



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITCH PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
28 январь
ЧОРШАНБА
№ 8
(12.123)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Олий Мажлис Сенатиди

ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликла-

ри тўла ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўз самараларини бермоқда.

Жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилиб, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди. Умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилиши одил судлов сифатини ошириш имконини берди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция (шикоят) тартиби жорий этилиши суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида қўшимча кафолат бўлди.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари соҳасида қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўғри аниқлашда соҳа ходимларининг касб малакасини




ошириш муҳим ўрин тутди.

Судьялик лавозимига тайинланиш учун захирага олинган номзодларни қайта тайёрлаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказига юклатилган. Марказдаги ўқув дастурлари машғулотлар давомида тингловчиларда назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган. Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси Сенати ва Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ҳамкорлигида суд-ҳуқуқ ислохотларини ҳаётга татбиқ қилишда юристар малакасини оширишнинг аҳамиятига бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатиди шу ҳақда гап борди.

Тадбирда суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш борасидаги муҳим вазифаларнинг ижросини таъминлашга бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди. **У.А.**



Табириқ

УЛАР ЎЗ ИШИНING УСТАСИ

Юқоричирчиқ тумани машина-трактор парки очик акциядорлик жамияти ўтган йили тумандидаги фермер хўжалиқлариға шартнома асосида 774 миллион ўтган йилдан зиёд хизмат кўрсатди. Бу жамоа ўтган йили анча салмоқли даромад билан яқунлади, деганидир.

Бундай натижаларга нима ҳисобидан эришилмоқда? Айни кунларда корхонанинг улкан машина-трактор саройидаги жараёни кузатган киши бу саволга жавоб топгандек бўлади. Негаки, киш бўлишиға қарамай, жамоа трактор ва бошқа агротехник воситаларни янги мавсумға барвақт тайёрлаб қўйиш ҳаракатида.

– Ўтган мавсум 518 та фермер хўжалиқлариға шартнома асосида хизмат кўрсатдик, – дейди корхона бош муҳандиси Ренат Курбонов. – Жамоамиздаги яхши анъана шуки, биз барча керакли техникаларни киши танаффус пайтида пухта созлаб, қайта-қайта назоратдан ўтказамиз. Яроқсиз қисмларни имкон қадар янгиларига алмаштирамиз. Чунки, деҳқонларнинг иши айни қизиган кунларда техника панд бермаслиги керак. Шу кунгача жамиятдаги

аксарият агротехник ускуна ва мосламалар қаторида 17 та галла комбайни, 15 та "Кейс" комбайни, 8 та "Магнум" ва бошқа транспорт воситалари бир кур таъмирдан чиқарилиб, ёпиқ бостирмаларға терилмоқда. Моҳир механик ва тажрибали механизаторлар уларнинг мавсумда бенуқсон ишлашиға ишонч ҳосил қилиш учун бир йўла синовдан ҳам ўтказмоқдалар. Боймурод Читанов, Шоқир Нишонбоев, Ренат Юсупов, Йўлдош Яхъев, Хасан Мирхайиров каби механизатор ва чилангарлар шу жараёнларда ўз ишининг ҳақиқий устаси эканлиқларини яна бир бор намоиш этишди.

Алишер РАҲМАТОВ.

СУРАТДА: тракторчи Шарифжон Бегматов тайёр ҳолдаги техника воситаларини кўздан кечирмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.

Вилоят Вилоят Вилоят Вилоят Ҳаёти Ҳаёти Ҳаёти Ҳаёти

ФЕРМЕРЛАРГА ФОЙДАСИ КЎП

Қобилланган туқли чигитларни тайёрлаш ва экинни оммалаштириш борасида Янгийўл туманидаги Ўзбекистон кишлоқ хўжалиқини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти олимлари бир қатор аҳамиятга молик тажрибалар ўтказишмоқда.

Яқинда институти томонидан шу мавзуга доир инновация лойиҳаси тасдиқланди. Илмий даргоҳ мутахассисларининг таъкидлашича, туқли чигит қобиллаб экилганда кимёвий дори

ҳамда уруғ сарфи анча камаяди, ҳосилдорлик қариб 5 центнер ошади. Фермер хўжалиқларининг пахта етиштиришдаги сарф-харажатлари тежаллади. **Алишер РАҲМАТОВ.**

НАСЛЛИСИ – АСЛ МОЛ

Оҳангарон туманининг тоғли ҳудудида ўтган йили ташкил этилган "Айрисой" наслчилик хўжалиғида Сурхондарёдан келирилган 700 дан зиёд хисори қўй ҳамда 103 бош зотли қорамоллар парваришланмоқда.

Хўжалиқ шу йилнинг август ойида тумандаги чорвачилик фермаларига шартнома асосида 101 бош наслдор қўй ва қорамол етказиб беришни режалаштирган.

Шунингдек, "Олмалик кон-металлургия"

Мунаввара РАЖАББЎЙ қизи.

СПОРТ ҲАМЖИХАТЛИККА УНДАЙДИ

Оҳангарон шаҳар маиший хизмат касб-хунар коллежида гуруҳлар ўртасида 10 та оммавий спорт тури бўйича мусобақалар ўтказиш яхши анъанаси айланган. Ҳозир 5 та спорт тури бўйича тўғараклар ишлаб турибди.

Талабаларда волейбол, баскетбол, стол тенниси ҳамда бокс турларига қизиқиш, аиниқса, катта. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган тренажёр зали ҳам улар хизматида.

Спорт талабаларимиз ўртасида ҳамжиҳатлик, бирдамлик ҳамда ягона мақсад сари интилиш каби фазилат-

ларни шакллантиради, – дейди коллеж директорининг жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича ўринбосари Умида Юсупова. – Бу эса, уларни ўзлари таълим олаётган коллеж шаънини ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қилишга ундаяпти.

Хуршида МУМИНОВА.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШДИ

Айни кунларда вилоятимиз туманларида "Энг яхши фан ўқитувчиси" танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтаётди. Янгийўл туманидаги 23-мактабда ташкил этилган танловда тумандаги 58 та мактабдан 161 нафар фан ўқитувчиси иштирок этди.

Бу йилги танлов шартлари ўтган йилгига нисбатан ўзгачароқ бўлиб, биринчи босқичда ҳар бир фан ўқитувчисиға 50 та тест синови ҳамда бир соатлик дарс ишланмаларини ёзиб бериш талаби қўйилди. Танловда 6 нафар фан ўқитувчиси жумладан, рус тили бўйича 27-мактаб ўқитувчиси Гулнара Носи-

рова, миллий истиқлол ғоясидан 31-мактаб ўқитувчиси Саодат Қамбарова, француз тилидан 41-мактаб ўқитувчиси Тошмуҳаммад Болтаев, тасвирий санъат фанидан 2-мактаб ўқитувчиси Пулат Мирзааҳмедов галиб деб топилиб, вилоят босқичига йўланма олди.

Учқун ҲАМДАМОВ.

Ёшларда юксак маънавият, пухта билим, эзгу ғояларға асосланган дунёқарашни шакллантириш Президентимиз Ислам Каримов юритётган изчил сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Бу борада миллий адабиётимиз тараққиётиға муносиб ҳисса қўшган адибларни эъзозлашға катта эътибор қаратилётгани муҳим аҳамиятга эга.

ОЛИМ ХОТИРАСИ ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшуно олим Озод Шарафидинов номи ана шундай ижодкорлар қаторида алоҳида ҳурмат билан тилга олинади.

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 1-академик лицейда олим таваллудининг 80 йиллиғига бағишлаб ўтказилган адабий-бадиий кечада шу ҳақда гап борди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Озод Шарафидиновнинг 80 йиллиғи кенг нишонланиши Ватанимизнинг фидойи

фарзандлари хотирасига бўлган чексиз эхтиромнинг яна бир ифодасидир. Олим юбилейи муносабати билан юртдошларимиз, аиниқса, ёшлар унинг ҳаёт йўлини, бой ижодини қайтадан ўрганимоқда.

Тадбирда Озод Шарафидиновнинг асарлари, жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилган таржималарининг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилди. **Гўзал САТТОРОВА, У.А мухбири.**

БОЛАЖОНЛАРГА ТУҲФА

Муқимий номидида Ўзбек Давлат мусикали драма театрида "Сохта малика" спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

Атоқли драматург Тўра Мирзо қаламиға мансуб мазкур спектакль ёш режиссёр Нилуфар Пардаеванинг илк режиссёрлик иши ҳисобланади. Болажонлар учун мўлжалланган ушбу эртақ Шош давлатининг маликаси Гулнафас ҳақида бўлиб, у болалиғиданок чет мамлакатта таҳсил олишға жўнатилади. Унинг ўрнини, маъкеини эгаллашни мўлжаллаб юрган маккора қиз маликани ўз юртиға қайтаётганда ўлдиртириб юришни буюради. Узи эса унинг ўрнига саройға малика бўлиб келади. Ёш актрисалар Д. Иброҳимова ва Маърифат Ортиқовалар маликалар образини маҳорат билан илқо этган.

"Туркистон-пресс".

Табириқ

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Зангиота туманида ветеринария хизматини яхшилашға қаратилган кўргазмали семинар ташкил этилди. Унда республика ветеринария хизмати ва вилоятлар бошқармалари ҳамда Тошкент вилояти туманлари бўлими бош шифокорлари, ҳудудий ветеринария нозирлари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидландики, республика Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари

аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг мақсади йўналишларини белгилаб берди. Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ветеринария хизматининг сифатини кўтариш, дори-дармон воситаларини етказиш ҳамда сунъий уруғлантириш асосида наслдор қорамолларни кўпайтириш, омухта ем билан узлуксиз таъминлашни яхшилаш борасида дастлабки натижаларға эришилмоқда.

Семинар иштирокчилари Қатортол қишлоғидаги "Бек Барака Агро Бизнес" наслчиликка ихтисослашган фермер хўжалиғи қошида ташкил этилган "КАРИМА" мажмуаси фаолияти билан танишиб, бунга тўлиқ амин бўлишди. Қисқа фурсатда бу ерда омухта ем, ветеринария дорионаси, гўшт ҳамда автомобиллар учун эхтиёт қисмлар дўконлари, аҳоли чорва молларини сунъий уруғлантириш пункти, қушхона, автомобилларға техник хизмат кўрсатиш шоҳобчалари фаолият кўрсатмоқда. Шу кун семинар қатнашчилари "Ўзаслкорхона", вилоят масъулияти чекланган жамияти, вилоят ветеринария бошқармаси му-

тахассислари томонидан молларни сунъий уруғлантириш ҳамда зооветеринария хизмати кўрсатиш бўйича илғор тажрибалар ҳамда истиқболли режалар юзасидан маърузалар тингладди. "КАРИМА" мажмуасида йўлга қўйилган амалий ишлар каби илғор тажрибаларни жойларда кенг оммалаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. **Саид ҲАСАНОВ.**

СУРАТЛАРДА: "Бек Барака Агро Бизнес" фермер хўжалиғи қошидаги мажмуа билан танишув жараёни.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



ЯКУНИЙ БОСҚИЧ ҚАТНАШЧИЛАРИ МАЪЛУМ

2008 йилнинг бошида "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ташаббуси билан эълон қилинган "Бир йилгитта қирқ хунар оз" шiori остидаги "Энг ибратли йилгит" республика кўрик-танлови низоъсига етмоқда.

Ушбу танловнинг мақсади мамлакатимиз йилгитларини ҳам жисман, ҳам маънан соғлом, Ватани ва халқига меҳр-садоқатли, юртини табииятини, тупроғини сувини эъозловчи, замонавий фан-техника янгиликларидан хабардор, уллардан самарали фойдаланувчи, оиласини ҳам маънавий, ҳам моддий таъминлай оладиган, турмушдаги ҳар қандай ходисалар олдида эсанқирамай, тез ва тўғри ҳулоса чиқарадиган, мустақил фикрига эга бўлган урдабурон, муомала маданиятини эгаллаган, ҳуллас, ҳар таърифга эришган кўрик-танловнинг маъносида қатнашган кўрик-танловчи қўрилари билан эълон қилинган "Бир йилгитта қирқ хунар оз" шiori остидаги "Энг ибратли йилгит" республика кўрик-танлови низоъсига етмоқда.

ри, республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика "Оила" илмий-амалий ва Маънавият-тарғибот марказлари, "Махалла" жамғармаси, "Ватанпарвар" ташкилоти, Савдо-саноат палатаси, Ўзтелеферадиокорпорацияси ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Танловнинг навбатдаги ташкилий йилгитида республика якуний босқичида иштирок этадиган йилгитлар номи маълум бўлди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ, кўрик-танлов ташкилий қўмитаси аъзоси.



ТАДБИРКОР - ИШБОШИ

Пискент туманидаги Навоий маҳалласида қурилиш маҳсулотлари, омукта ем дўконлари қаторида "Гўзаллик салони"нинг аёллар ва эркаклар бўлимлари ҳам иш бошлади.

Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида тадбиркорларимиз кўп бунёдкорлик ишларига бош бўлишяпти, дейди маҳалла қўмитаси раиси Алиме Кузнецова. Масалан, ёш тадбиркор Нихола Хўжаева "Гўзаллик салони"даги ҳар икки бўлимни шахсий маблағи ҳисобига замонавий ускуналар билан жиҳозлади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА. СУРАТДА: Нихола Хўжаева иш устида.



МУҲОФАЗА УЧУН ЛОЙИҲА

Канада ҳукумати ҳавога чиқарилаётган зарарли газларнинг ҳажмини камайтиришга оид лойиҳани амалга ошириш ниятида.

Мутахассисларнинг айтишича, ушбу лойиҳада мамлакатдаги барча нефть-кимё ҳамда иссиқлик электр станциялари тармоғида фаолият юритувчи корхоналар ҳавога чиқарилаётган зарарли газларнинг муайян миқдорини йилгит, уллардан кайта фойдаланиши кўзда тутилган.

Маълумотларга қараганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ушбу янги лойиҳа дастури 2012 йилда кучга киради.

БАНКЛАР ИНҚИРОЗДА

АҚШ фонд биржаларида индекс кўрсаткичлари пасайиши кузатилаётганда, Dow Jones индекс кўрсаткичи тўрт фоизга, Nasdaq эса беш фоизга тушган.

Экспертларнинг сўзларига қараганда, бунга мамлакат банк тизимидаги мураккаб вазият сабаб бўлган.

Хабарларга қараганда, Европа фонд биржаларида ҳам асосий индекс кўрсаткичлари пасайиб бормоқда. "Ар Би Эс" банки акциялари қиймати ўн бир фоизга камайган.

Буюк Британия ҳукумати банк-молия тизимидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида кредитларга қаролат бериш ва қиймати элли миллиард фунт стерлингга тенг банк активларини сотиб олиш тўғрисида янги дастур қабул қилди.

«УОРНЕР БРАЗЕРС»ГА НИМА БЎЛДИ?

АҚШнинг нуфузли "Уорнер Бразерс" кинокомпанияси жорий йилда саккиз ўздан зиёд иш ўрнини қисқартирди.

Бу ҳақда кинокомпаниянинг матбуот хизмати маълум қилди. Қўрилаётган мазкур чора компанияга элли миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ тежаши имконини беради.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, 2008 йили "Уорнер Бразерс" томонидан ишланган фильмлар компания бюджетига 1,8 миллиард АҚШ доллари миқдоридан даромад олиб келган. Шунга қарамай кино саноатида етакчи ўрни эгаллаб келаётган ушбу муассасанинг молиявий аҳоли кун сайин ёмонлашмоқда.

РЕКЛАМА ВА ҚОНУНЧИЛИК

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан 1998 йилда қабул қилинган "Реклама тўғрисида"ги қонун бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қонунга мувофиқ, рекламада маҳсулот ва хизматлар доир маълумотлар аниқ акс этиши, истеъмолчига зарар етказмаслиги лозим.

Лекин аҳоли эътиборига ҳавола этилаётган барча реклама материаллари ҳам ушбу меъриларга мос, деб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси мутахассислари томонидан реклама бозорига ўтказилаётган мониторинглар натижасида 2008 йили бу борадаги беш юзга яқин қонунбузарлик ҳолати аниқланган.

Шуларни ҳисобга олиб, реклама тарқатувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, рекламага оид қонунчилик меъриларидан чуқурроқ хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонунига шарҳ" китоби тайёрланди.

Мазкур китобнинг Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтган тақдиротида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари А. Абдурашидов мамлакатимиз миллий қонунчилиги, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганини алоҳида таъкидлади.

"Реклама тўғрисида"ги қонун уллардан берилади.

Н. АБДУРАШИДОВА, УзА мухбири.

"ҚАЛБИМДА ВАТАН МАДҲИ"

"Туркистон" саройида "Қалбимда Ватан мадҳи" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танлов "Ўзбекистон" эстрада ўзбекинаси; Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида санъатнинг барча йўналишлари каби миллий эстрада санъатини ривожлантириш, истеъдодли ёшларни кашф этиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, бадиий эстетик дидини бойитишга хизмат қилувчи музика асарлар яратилишини рағбатлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда умидли ёш ижрочилар иштирокида ўтказилаётган қўлаб ижодий танловлар, кўриклар, фестивал ва концертлар ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Илк мартаба ўтказилган "Қалбимда Ватан мадҳи" республика кўрик-танлови ҳам ана шу йўналишдаги тадбирлардандир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга таъйин қилиш тўғрисида"ги қароридан бўлиб, қароридан вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда умумхалқ байрами - Наврўз ҳақидаги энг яхши кўшиқларни саралаш мақсадида ўтказилган мазкур танловда олти ўнги ёшдан қирқ ёшгача бўлган профессионал хонандалар, хаваскор кўшиқчилар ва бадиий жамоалар иштирок этиди.

Назозат УСМОНОВА, УзА мухбири.

Истиқлол бизга нафақат ўзлигимизни, қадриятларимизни, анъаналаримизни, балки дину имонимизни қайтариб берди.

У ҳаммамизни руҳий асоратдан, таъқибу тазийқлардан, қўрқувдан озод этди. Бизга яшаш завқини, бунёдкорлик илҳомини, орзулар шиддатини бахш этди. Юртимиз чинакасига обод ва маъмур бўлди. Саодатким, Истиқлолимизга, Ватанимизга, келажагимизга муносиб баркамол авлод вакиллари воға этди. Уларнинг одобу ахлоқ, илму тафаккур бобидаги муваффақиятлари бехад кўп.

Бундан қувонамиз. Фахру ифтихор тўямиз. Шунинг билан бирга, кўча-кўйда, жамоат жойларида қоп-қора ёки кўк ҳижобга чирмалиб олган, билъаск, киндигича очик ҳолатда кийинган қизларимизга рўбару келиб, кўнглимиз оғриб қолаётгани ҳам бор гап. Алаҳқусус, биз дунёвий давлат фуқароларимиз, ким қандай кийиниши, шубҳасиз, унинг шахсий иши, виждонига ҳавола масала. Лекин шундай бир инсоний туйғу борки, уни писанд қилмаслик инсонийлик шайғига инсон эмасмикан, деган ўй хавотирга солади. Ўйлантриб қўяди. Бу туйғу гўзал хулқ, ўзбекана одобу андишага нисбатан эҳтиром ва ҳурматдир. Чўқур ва холис назар ташлаганда либос, умуман, кийиниш маданияти одоб ва ахлоқ, миллий ўзига хослик, қадриятлар ва анъаналар мазмунидан келиб чиқади. Бинобарин, азалдан "ҳаё ва ибонинг ташқи кўриниши кийимдир" деган ҳикматона таъкид халқимиз орасида беҳиж машхур эмас.

Аллоҳ яратган ҳар бир миллат ва элнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маданиятлари борки, бу илоҳий ҳикмат асосида жорий қилинган. Хусусан, "Хужурот сураси"нинг 13-оятини шундай дейилади: "Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишимиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабилалар (эл)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздинда (энг азияз) муқаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир".

Демак, дунё ҳалқларининг турли миллатга мансуб бўлиб, бир-бирларидан фарқи равишда ҳаёт кечирдишлари ҳам азалдан Аллоҳнинг иродаси ва илму ҳикмати тақозо этган ҳақиқат экан. "Рум сураси"нинг 22-оятини бу мазмун янада аниқроқ баён этилади: "Унинг белгиларидан (яна бири) — осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча олимлар учун аломатлар бордир".

Мазкур оятлардан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, инсоният ва бошқа мавжудотнинг хилма-хиллиги Аллоҳнинг қудрати ва чекисиз илму ҳикматига далolat қиладиган белгилардир. Хилма-хиллик эса, аввало, инсонларнинг ташқи кўринишида, кийган кийимларида намён бўлади. Қандай кийинишига қараб, инсоннинг ички дунёсига, маънавиятига бато тегиш бари ҳақиқатда ҳам одат турсига айланган, десак хато бўлмайди. Қолаверса, ушбу хилма-хилликда боқирлик, ибод, ҳаё, шарм, номус каби илоҳий ранглар ва бичимлар борки, уни хиралаштириш, рангини ўзгартириш, тарҳини бузиш мумкин эмас. Валлоҳ, ушбу мажозий илоҳий ранглар, бичимлар қадимул айёмдан халқимиз то-

Қадрият

гўзаллигини нурлантриб юборувчи тарху бичимлар қўлланилган экан. Алҳол, ўзбек аёллари ўша пайтларданок узун ва кенгроқ либосларни кийиб юришган, аврат жойларини кийим устидан бўлса, деб оғохлантриаётганликларидан ҳам, менимча, жон бор. Холбуки, айрим замонавий ҳижоблар ҳам, Фарбдан келаётган йиртик-кўк беҳаё кийимлар ҳам, очигини айтганда, бизга бегона.

Шарқнинг буюк алломаси Фаридиддин Аттор дейдилар: Кимда бўлса донишу ақлу тамиз, Илм ила ҳилм аҳлини туттин азиз. Сен хатолардан ўзингни тут узоқ, Эй фарзаңд! Оқил эсанг, соғлиг қулқ.

Ушбу сатрлардан кўриниб турибдики, дониш, ақлу тамизлик илм аҳлини ҳурмат қилади, унинг хунарини, кашфиётларини ўз фойдаси учун истифода этади. Бир маҳаллар Фарб тамаддунинг тараққий этишига Шарқ тамаддунини кучли таъсир қўрсатган. Бугун

чиқарса, ахлоқий таназзул билан бир қаторда, руҳиятни асоратга олади, унда икхиланиш, лоқайдлик, қарахликни кучайтиради, деб оғохлантриаётганликларидан ҳам, менимча, жон бор. Холбуки, айрим замонавий ҳижоблар ҳам, Фарбдан келаётган йиртик-кўк беҳаё кийимлар ҳам, очигини айтганда, бизга бегона.

Шарқнинг буюк алломаси Фаридиддин Аттор дейдилар: Кимда бўлса донишу ақлу тамиз, Илм ила ҳилм аҳлини туттин азиз. Сен хатолардан ўзингни тут узоқ, Эй фарзаңд! Оқил эсанг, соғлиг қулқ.

Ушбу сатрлардан кўриниб турибдики, дониш, ақлу тамизлик илм аҳлини ҳурмат қилади, унинг хунарини, кашфиётларини ўз фойдаси учун истифода этади. Бир маҳаллар Фарб тамаддунинг тараққий этишига Шарқ тамаддунини кучли таъсир қўрсатган. Бугун

чиқарса, ахлоқий таназзул билан бир қаторда, руҳиятни асоратга олади, унда икхиланиш, лоқайдлик, қарахликни кучайтиради, деб оғохлантриаётганликларидан ҳам, менимча, жон бор. Холбуки, айрим замонавий ҳижоблар ҳам, Фарбдан келаётган йиртик-кўк беҳаё кийимлар ҳам, очигини айтганда, бизга бегона.

Шарқнинг буюк алломаси Фаридиддин Аттор дейдилар: Кимда бўлса донишу ақлу тамиз, Илм ила ҳилм аҳлини туттин азиз. Сен хатолардан ўзингни тут узоқ, Эй фарзаңд! Оқил эсанг, соғлиг қулқ.

Ушбу сатрлардан кўриниб турибдики, дониш, ақлу тамизлик илм аҳлини ҳурмат қилади, унинг хунарини, кашфиётларини ўз фойдаси учун истифода этади. Бир маҳаллар Фарб тамаддунинг тараққий этишига Шарқ тамаддунини кучли таъсир қўрсатган. Бугун

Кийиниш — ҳам одоб, ҳам ахлоқ

тутаётгани сир эмас. Бир вақтлар этик, маҳси-қалиш ўрнига туфли кийган ёки чопон ўрнига пальто кийган ўзбек кишисига таажуб кўзи билан қаралар эди. Умуман олганда, кийимлар барча миллат кишиларида вақт ўтиши билан, озми-кўлми, янгилашиб туради. Бу тарихий ҳол. Лекин ўзгаришларни, янгилашларни оқилона қабул қилиш керак. Миллийлик инсон ботинида ҳам, зоҳиринда ҳам сақланиб қолмоғи жуда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, халқимиз бутун жаҳонда гўзал хулқи билан ҳам шўҳрат қозонган. Меҳмоннавозлик, олижаноблик, меҳр-муруват, саховат, раҳм-шафқат, олмос таваққур — буларнинг бари бизнинг ахлоқимизда муҳассам. Баъаён шундай экан, кийинишимиз ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Зеро, кийиниш — гўзал хулқнинг безағдидир. Аёнки, қадимдан зукко аёлларимиз, паричеҳра қизларимиз калта, биланки, тиззани ёлмайидиган қўллақларни, тананинг айрим нозик аъзолари кўриниб турадиган либосларни, бамисоли қафасдай ҳаммаёқларини бўғиб ташлайдиган Яқин Шарқ кийимларини кийишни ўзларига ор деб билишган. Уларнинг ички боқиралиги, қалб гўзаллиги сўзлашув ва ўзини туттиш одобида уйғун равишда сержилмо матолардан шарқона назокат ила тиклган кийимларидея ёрқин акс этиб турган. Тарихчилар буни мендан яхшироқ билсалар керак, Хорун ар-Рашид даврида Бағдодда самарқандлик тикувчилар бориб, сарой аёллари учун кийим-кечаклар тикиб келишган. Айтишлари-ча, бу кийимларда ўрталик мезонга амал қилиниб, аёлни шахватли ёки қафасдаги қушдай эмас, аксинча, ҳаёси, ибоси билан бутун

дишани ҳис этишган, уятни англашган, илҳос, эътиқод деган туйғулар билан қалбларини зийнатлашган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ислом дини нуқтани назаридея аёллар учун "сатри аврат", яъни аврат саналган жойларининг очик бўлмааслиги ўқтириб ўтилган. Лекин мусулмон эркак ва мусулма аёллар учун ислом динида махсус диний кийим деган тушунча мутлақо йўқ. Ҳар бир мусулман ва мусулма, қайси миллатга мансуб бўлмасин, аврат жойларини ёпиб турадиган кийим кийса, шунинг ўзи ҳижоб ўрнига ўтади.

Кийиниш маданияти, боя ўқоридея айтганимдек, хилма-хиллик ва ўзига хосликдир. Таваққур қилинган; чиройли бокка кирдингиз, бу богда анвоий гуллар очилиб ётибди. Бу гуллар бир-бирига ўхшамайди. Кўриниши, бўйи, шакли бошқа-бошқа. Худди шунингдек, одамазот қавмлари ҳам ранг-баранг. Гулга вуқ куймасея, эътибор берилмасея, уни тикан босиб кетеди, бадебуйлашади. Чунонки, аёлларимиз, қизларимиз ҳам, чиройли гулдек, қалблар поклик, гўзаллик, ибод, шарм обиновотларидан озик-ланмасея, хароб бўлади. Аммо яна бир ҳақиқат борки, биз — ўзбекчана нафосат билан безанган халқимиз. Зинқор-базинқор буни ҳаёлимиздан қанда қилмайлик. Ахир, биз бугун ёё таъсирлар — интернетдан, радио тўқинларидан, чегаралардан ўтиб келаётган алқаш-чулқаш ҳажонининг ичидамиз. Бизни бузишга, ўзлигимиздан чекинтриаётганга тўрт тарафдан ҳаракат қилаётганлар, оз бўлса-да, мавжуд. Айна пайтда руҳуншо олимлар бегона либос асрлар давомида маълум иқлим шароитига, маънавий муҳитига мосланган кийимларни сиқиб

тан олиш керакки, Шарқ халқлари Фарб маданиятидан кўпроқ таъсирланмоқдалар. Турмушни яхшилаш, яшаш шароитини қулайлаштириш, фан-техника, электроника каби соҳаларда Фарб халқлари эришган ютуқлардан Шарқ халқлари ҳам баҳраманд бўлиб келишмоқда. Бунинг айб қиладиган ери йўқ. Улардан тараққиётимиз, юксалишимиз учун зарур илмларни ўрганишимиз керак. Фаровонликка, тўқин-сочинликка, эзгуликка хизмат қиладиган кашфиётларини ўлаштиришимиз ҳам мақбул иш.

Лекин кийиниш маданиятида Фарбнинг бешарм "тараққиёт"и, Яқин Шарқнинг "қора ҳижоб"ларига кўр-қўрона тақлид қилавериб оқибати яхшиликка олиб бормайдигандея туюлади, назаримдея. Фаридиддин Аттор айтганидек, нав-нихол қизларимиз, ўғлонларимиз ҳатолардан ўзларини узоқроқ тутсалар, оилалари обрўси учун ҳам, мамлакатимиз шайни учун ҳам қони фойда. Нега десангиз, хорижий давлатлардан келган меҳмонлар юртимиздаги тарихий, маданият, диний обидаларни зийбат қилиш билан бир қаторда халқи-

тан олиш керакки, Шарқ халқлари Фарб маданиятидан кўпроқ таъсирланмоқдалар. Турмушни яхшилаш, яшаш шароитини қулайлаштириш, фан-техника, электроника каби соҳаларда Фарб халқлари эришган ютуқлардан Шарқ халқлари ҳам баҳраманд бўлиб келишмоқда. Бунинг айб қиладиган ери йўқ. Улардан тараққиётимиз, юксалишимиз учун зарур илмларни ўрганишимиз керак. Фаровонликка, тўқин-сочинликка, эзгуликка хизмат қиладиган кашфиётларини ўлаштиришимиз ҳам мақбул иш.

Лекин кийиниш маданиятида Фарбнинг бешарм "тараққиёт"и, Яқин Шарқнинг "қора ҳижоб"ларига кўр-қўрона тақлид қилавериб оқибати яхшиликка олиб бормайдигандея туюлади, назаримдея. Фаридиддин Аттор айтганидек, нав-нихол қизларимиз, ўғлонларимиз ҳатолардан ўзларини узоқроқ тутсалар, оилалари обрўси учун ҳам, мамлакатимиз шайни учун ҳам қони фойда. Нега десангиз, хорижий давлатлардан келган меҳмонлар юртимиздаги тарихий, маданият, диний обидаларни зийбат қилиш билан бир қаторда халқи-

Хуллас, барчамизга маълум абадий мезонлардан ишончлиси шуки, ҳақиқий гўзаллик — бу маънавий гўзалликдир. Агар қизларимиз, аёлларимиз ташқи дунёлари ҳам айб қиладиган эмас, ҳавас қиладиган даражада гўзал бўлса, бу албатта нур устига нур бўлур эди. Айтиш жоизки, бу мулоҳазаларимиз билан ҳеч қимни хафа қилиб қўйиш ниятимиз йўқ. Фақат муқарраас ислом динимиз аҳком ва арқонлари билан қоришиб, уйғунлашиб кетган урф-одатларимиз, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимиз камситилмаслигини хоҳлашимизни, ҳар биримиз Ҳазрат Пайғамбаримизнинг: "Халқлар ичидея бамисоли юздаги холдек кўркам, ҳамма ҳавас қиладиган уммат бўлингиз!" деган ҳадиси шарифларига амал қилган ҳолда, намунали, бахтли ва осийишага ҳаёт кечиритиши тилагимиз сифатида билдирмоқчимиз, холос. Ҳақ тола барчамизни ўз иноятидан насиб этсин.

Шайх Абдулазиз МАНСУР.

(«Халқ сўзи» газетаси, 2009 йил 21 январь.)

Тахририятга мактуб

ҚўЛИМИЗ КЎКСИМИЗДА

Мен — кўп йиллар халқ таълими соҳасида меҳнат қилиб, бахтсиз ҳодиса оқибатида ногирон бўлиб қолган бир қарияман. Ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар, янгилашлар, кекса ва ногиронларга кўрсатилётган ҳурматнинг эътибор қўлга қалам олиб, ушбу мактубни ёзишга даъват этди.

Гап шундаки, яқинда "Товоксой" сихатгоҳида дам олиб, даволандим. Меҳнат фахрийларини қутиб олиб, шинам ётоқхоналарга жойлаштиришдан тортиб, бу ерда яратилган барча шарт-шароитлар, умуман, маънавий муҳит қишда инсонни шунчалик эъозлайдиган юртимиз учун ифтихор туйғуларини

уйғотди. Меҳнат жамоаси сихатгоҳини мамлакатимиздаги энг намунали даволаш ва дам олдириш муассасасига айлантрииш учун тинм даволаш бўлими учун икки қаватли бино қуриляпти. У энг замонавий таъшиқ қўйиш-даволаш ускуналарини билан жиҳозланади.

Тиббиёт ходимларининг ширинсуханлиги, қарияларга эътиборлилиги алоҳида таъсирга лойиқ. Шифокорлардан Музаффар Саъдуллаев, Салима Рисметова, Дилбархон Сўфиева, Тошметро Мухаммадиев, Махсума Ғуломова, Усмон Қодиров, ҳамширалардан Озода Иброҳимова, Мухлиса Шомаксудова,

Тўлаган КАРИМОВ, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичида босқичи ошиб бориш тартибидея ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

2009 йил 3 март кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қўйилдеяги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Қибрай тумани "Ар-ғин савдо" УК омборида сақланаётган:

1. ЖИБ Тошкент вилоти Қибрай тумани судининг 26.12.2007 йилдаги 1-468/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ГБА-СПГ/РАФ-2203" русумли, д/р 11Т1286 бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 350 572 сўм. 2. ЖИБ Тошкент вилоти Зангиота тумани судининг 04.07.2008 йилдаги 215/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ГАЗ-53" русумли, д/р 11Н2276 бўлган, 1975 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 841 101 сўм 60 тўйин. 3. ЖИБ Тошкент вилоти Тошкент тумани судининг 20.11.2008 йилдаги 4913/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Mitsubishi Lancer" русумли, д/р А937LBN бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 835 396 сўм. 4. ЖИБ Тошкент вилоти Паркент тумани судининг 11.11.2008 йилдаги 55-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Фольксваген-Пассат" русумли, д/р йўқ бўлган,

2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 24 253 042 сўм.

11. Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 12.02.2008 йилдаги 21-сонли ижро варақасига асосан, Зангиота тумани "Матбуотсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган қўйилдеяги автотранспорт воситалари:

1. "Москвич-А31К" русумли, д/р 11Е9675 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 391 175 сўм. 2. "BMW-520" русумли, д/р Х920О8М бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 976 360 сўм. 3. "Mercedes Benz-220" русумли, д/р Х234ХUM бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 23 911 754 сўм. 4. "NISSAN MURANO" русумли, д/р В360POM бў



У БОРИНИ БЕРМОҚДА, СИЗЧИ?

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бошқа жабҳалар қатори атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик вазиятни яхшилашга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Хукуматимиз томонидан табиати муҳофазаси қилишга доир қатор қонун ва қарорларнинг қабул қилинганлиги соҳага нисбатан жиддий муносабатни шакллантиришга замин яратди. Уларда белгиланган талаблар ижросини таъминлаш мақсадида Бекобод шаҳар табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси назорат ва амалий ишлар олиб бормоқда.

Ўтган йил мобайнида шаҳардаги корхона ва ташкилотларда белгиланган тартибда экологик меъёрий ва рухсат этувчи ҳужжатлар ишлаб чиқишга катта эътибор берилди. Табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси экологик нуқтаи назардан табиати муҳофазаси қилишда асосий вазифа эканлигини яхши англаган корхона раҳбарлари нафақат инсон ҳаёти, балки дов-дарраҳлар учун гоҳ муҳим бўлган сув ресурслари, улардан қайта фойдаланиш тизимига ўтмоқдалар. Бу эса ўз навбатида сув исрофгарчилигини қис-

қартириш, канализация қувурлари, тозалаш иншоотларининг самарадорлигини оширишга олиб келмоқда.

Табиат муҳофазаси ҳамда экологик вазиятни соғломлаштириш нафақат табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси ходимларининг, балки барчанинг диққат-эътиборида бўлиши керак. Табиатга чуқур масъулиятни ҳис қилган ҳолда муносабатда бўлсакина сув, ҳаво, ер ва ўсимлик дунёси барчамизга бирдек қизмат қилади. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Бунёд ХОЛМАТОВ,
давлат инспектори.

Табиат ва ИНСОН

Тошкент вилояти табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси саҳифаси

КЎРКАММИ ЁКИ ФОЙДАЛИ?

“Ўзбекининг фот-атвори барчага аён, у ерни, табиатни севди, дўпчисида сув ташиб бўлса ҳам дарахт кўкартиради” деган ади Юртбошимиз. “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси

ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликлардир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” дейилади Конституциямизнинг 55-моддасида.



Ортимизнинг яшил бойлигини янада кўпайтириш мақсадида япон сафораси ва каштан дарахти кўчатларини экишни кўпайтириш тўғрисида махсус қарор қабул қилинган. Япон сафораси мансуб туркумнинг кўп турлари мавжуд бўлиб, шулардан учтаси МДХ давлатларида экиш учун мослаштирилган.

Бу дарахтларнинг бўйи 20 метрдан балид, шох-шаббаси ёйқ бўлади. Май ойидан гуллади, гуллари оқ сарик, капалаксимон. Уруғи октябрь ойларида пишиб етилади, олдин яшил, кейинчалик тўқ қизил ранга қиради. У баҳор ойларида экилса, 10-15 кун ичида униб чиқади, ўқ ва ён илдизлари бақувват бўлиб ривожланади. Қаламча ёки тўнкасидан ҳам кўкартириш мумкин. Япон сафорасининг ёғочи ўзақли, қаттиқ мева-



сидан сарик рангли буюк олинади. Еруғлики севуви бу дарахт ер танланмайди, шўртоб тошли тупроқларда ҳам ўсаверади, қур-қоқчиликка чидамли, тупроқни ёмғир ва сув ювиб кетишидан сақлайди. Сафоро хушманзара дарахтлардан бири ҳисобланади, у чиройли гуллади, ҳавони тозалайди, ҳар хил чанг ва газларни ўзига синдириб, кислород чиқаради. Бу да-

чуқур кириб боради. Қаламча ва уруғидан кўпайтирилади. Шунингдек, унинг уруғидан қандолатчиликда фойдаланилади. Ёғочи тўқ жигранг ўзақли бўлиб, ундан қурилишда, бочка, мебель ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ёғочи, барги ва пўстлоғидан буюк олинади.

Бундан ташқари, каштан дарахти турли чанг ва ҳар хил газларни ютиб, ўзидан кислород чиқариши ва ҳавони тозалаш билан ажралиб туради. Шуларни инобатга олиб, япон сафораси ва каштан дарахтлари экиш Бекобод минтақасида ҳам яхши йўлга қўйилди. Ҳозирча 1374 туп япон сафораси, 655 туп каштан дарахти экилиб, яхши парвариш қилинмоқда. Бунда Бекобод шаҳар марказий шифохонаси, ободончилик бўлими, “Ўзметкомбинат” ва “Бекободцемент” корхоналарининг муносиб ҳиссалари бор.

Абдувахоб ЭШОНКУЛОВ,
Бекобод тумани табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси раиси вазирасини бажарувчи.

ЛОҚАЙДЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН

Атроф-муҳит барча мавжудотларга, улар ҳам ўз навбатида атроф-муҳитга таъсир кўрсатиши табиий ҳол. Баъзида ҳайвонлар ёки ўсимликлар ҳаётини ўрганаётганимизда бизни ўраб турган муҳит ҳақида ҳам фикр юритиш лозимлиги ёдидан кўтарилди.

Бугунги кун экологисини яхшилаб ўрганасак, табиий ресурслардан қай тарихи самарали фойдаланиш ва уларни асрашни билиб оламиз. Ҳозир инсониятга ҳавф солаётган муаммолардан бири экологик мувозанатнинг бузилишидир. Бу ҳолат кенг жамоатчилик ва аҳолини ташвишга солмоқда. “Табиати асрайлик” деб бонг урамиз-у, бироқ уни асраб-авайлашга масъул эканлигимизни унутиб қўямиз. Бу ишларга эътиборсизлигимиз, масъулиятсизлигимиз оқибатида яшил ўрмонларимиз сийрақлашиб, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турлари камайиб кетмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида улайиб келаятган ёш авлодни табиатга меҳр туйғуси билан вояга етказмоқ лозимдир.

Инсонни она дунёга келтирса, табиат уни вояга етказди. Фарзанд улғаяр экан, табиатнинг жуда кўп неъматларидан баҳра олади. Она ўз фарзандига нимакини яхшиликни раво кўрса, табиат ҳам ўзининг мусофиро ҳавоси, зилол сувлари ва беғубор кўш турлари билан инсонни баҳраманд этади. Шунинг учун она ва Табиат сўзларини бирга қўшган ҳолда “Она-табиат” дейимиз.

Мана, ҳадемай баҳор фасли кириб келади, ҳамма ерда кўчат экиш бошланади. Ҳар бир экилган дарахт, гул кўчатларини яхши униб-ўсишида сизиз масъул бўлмоғимиз зарур.

Холмурод УМАРОВ,
Олмалик минтақавий табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси етакчи мутахассиси.

Вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси жамоаси ўтган йилни қандай якунлади? Эришилган натижалар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили учун белгиланган режаларни муваффақиятли бажаришга замин яратадими? Бу саволларга кўмита раиси Холтура Сувонов билан бўлган суҳбатимиз давомида атрофлича жавоб олдик.

— Холтура Одилбоевич, у ёки бу корхонадаги ҳақиқий аҳвол текширувдан сўнг борича намойи бўлади. Ўтган йили текширувлар қандай тартибда олиб борилди, улар натижасида нималарга эришилди?

— Ҳар доимгидек, ўтган йили ҳам жойларда текширувларни талаб даражасида ўтказишга ҳаракат қилдик. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштируви республика Кенгаши тасдиқлаган режа-жадвалга асосан, 129 та корхона ва ташкилот текширилди. Худудий комиссия руҳсати билан 6 та корхона ва ташкилотда режадан ташқари текширишлар ўтказилди. Бундан ташқари вилоят молия ва статистика бошқармалари билан келишилган ҳолда бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган 89 та ташкилотда текширишлар олиб борилди. Барча текширишлар тасдиқланган режа-жадвалларда кўрсатилган муддатларда ўтказилди ва натижасига кўра тегишли далолатнома ҳамда қонунбузарликлар ҳақидаги ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Шу ўринда ачинарли бир ҳолатни келтирсам. Вилоят бўйича 224 та ҳўжжа юритувчи субъектда текширишлар ўтказилган бўлса, барчасида “Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида”ги Қонун талаблари бузилганлиги кишини ташвишга солади. Наҳотки, корхона ва ташкилот раҳбарлари қонун билан ҳисоблашмасалар? Балки қонунга амал қилмаслик уларга кўпроқ “фойда” келтираётгандир?!

Ўтказилган текширишлар мобайнида қонун талабларини бузган 1595 шахсга 48 миллион 700 минг сўмдан ортиқ жарима солинди. Жумладан, “Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофазаси қилиш тўғрисида”ги Қонунни бузган 175 шахсга 24 миллион 700

ўтказилиши ҳисобига атмосферага чиқарилаётган захарли газ 2000 тоннага камайди.

Шунингдек, вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан биргаликда “Тоза ҳаво” тадбирининг I ва II босқичлари ҳамжиҳатлик билан ўтказилгани яхши натижа берди. Шу мақсадда қўшма режа тўзилди. Тадбир давомида 20944 та ав-

тотранспорт воситаси қўриқ-қўриқда ўтказилди. Шундан 2018 тасида CO₂ миқдорининг юқорилиги аниқланди, керакли чоралар қўрилди.

— Она-заминимиз бағрида қанчадан-қанча табиий бойликлар ва ҳаёт учун зарур ресурслар бор. Албатта, уларни муҳофазаси қилиш, Сиз раҳбарлик қилаётган кўмитанинг чегига тушган. Ўтган йили бу борада қилган ишлардан қўнғингиз тўлдими?

— Бизда табиати ва ундаги бойликларни кўз қорачигидек асраб-авайлашга кундалик оддий иш сифатида қаралади. Шу маънода ўтган йили ер ресурсларини муҳофазаси қилиш махсус инспекцияси 133 та

тектириш ўтказди. Бу соҳада ҳам қонунни бузганлар йўқ эмас. 327 нафар қонунбузарга 6 миллион 500 минг сўм жарима солинди.

Вилоят ҳудудида ер ости бойликларидан фойдаланувчи 70 дан зиёд субъект бор. Ер қаъри қазилма бойликларини муҳофазаси қилиш ва чиқиндиларни юйлаштириш инспекцияси ўтган йили шуларнинг 34 тасини

билан 611 миллион 600 минг сўмлик қоплама тўловларни бўзганлар йўқ эмас. 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига бўнақ тўловлар ҳисобига 1 миллиард 236 миллион сўм маҳаллий жамғарма ҳисоб рақамига тушди. Шу маблаг ҳисобидан давлат бюджетига 646 миллион 600 минг сўм (50 фоиз), Табиати муҳофазаси қилиш республика жамғармасига 175 миллион сўм (25 фоиз) ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги тасдиқлаган табиати муҳофазаси қилиш маҳаллий жамғармаси ҳисобидан 2008 йилда молиялаштириладиган тадбирлар дастурига биноан табиат муҳофазасига оид тадбирлар учун 281 миллион 500 минг сўм ажратилди.

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида кўмита қандай муҳим ишларни амалга оширишни режалаштирган?

— Энг аввало, қишлоқ ҳўжалигига ақиндан ёрдам беришни асосий мақсад қилганмиз. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ишлари дастури тўғрисида”ги ва шу ҳақдаги вилоят ҳокими қарорлари ижроси бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга оширишга кечиктириб бўлмас вазифалардан бири сифатида қаралади. Атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли моддаларни янада камайитириш, табиат муҳофазасига оид тадбирларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш учун бор қуч-ғайратимизни сафарбар эта-

дим.

Бундан ташқари, инспекторларимизнинг малякисини ошириш, маҳаллий ҳокимлар, прокуратура органлари билан ҳамкорлик қилиб, қонунбузарларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, ноқонуний дарахт кесиш, ҳазон ва пояларни ёқиб ҳамда очик ҳавода битум эритишга йўл қўймаслик бу йил ҳам эътиборимиздан четда қолмайди. Шунингдек, республика ва вилоят ҳудудида бўлиб ўтаётган барча тадбирларда фаол иштирок эта-

дим.

— Албатта, ҳудудлардаги инспекторларимиз юқоридagi қабиларнинг олдини олишга ҳаракат қилаётдилар. Ноқонуний дарахт кесувчи раҳ-

барлар ва оддий фуқаролар аниқла-ниб, жариммага тортиляпти. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Юрдошларимиз шунини унутмаслик-лари керакки, ноқонуний дарахт кес-иш Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини му-ҳофазаси қилиш тўғрисида”ги Қонун-ини бузилишига олиб келади ва бунга йўл қўйган шахс маъмурий жа-вобгарликка тортилади. Агар зарар қиймати энг кам ойлик ўш ҳақининг 100 бараваридан ошган бўлса, жино-ий жавобгарлик чоралари қўрилади.

ҲАРАКАТ БОР, НАТИЖА НАҚД

“Ўзбекистон металлургия комбинати” корхонаси Бекобод шаҳри ва туманининг саккиз мингга яқин аҳолисини муҳим иш билан таъминлаган. Комбинат шахримизни ободонлаштириш ва қўқамзорлаштириш ишларига фаол ҳисса қўшмоқда.



Айтиш жоизки, бу жамоа ҳудудда барпо этилаётган бинолар, ўқув муассасалари, йўл қурилишлари ва ободонлаштириш ишлари билан чекланиб қолмаяпти. Бу ерда ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлаётган захарли моддалар миқдорини камайитириш борисиди қилинаётган изланишлар таҳсинга сазовор. Сирдарёга ташланаётган ишлаб чиқариш оқова сувлари таркибидagi қиммий бирикмаларнинг миқдорини камайитириш ва келгусида бундай оқова сувларни умуман йўқ қилинишига қаратилган чора-тадбирлар фикримизга мисол бўла олади.

2006 йил август ойидан бошлаб оқова сувлар таркибига сарбент бирикмаси қўшилаётганлиги яхши натижа бермоқда. Ушбу бирикма оқова сувлар таркибини ўзгартириши исботланган. Қишқача қилиб айтаганда, оқова сув таркибидagi нефть, темир занги ва бошқа маҳсулотларни ушлаб қолади.

Келажакда ҳосил бўлаётган оқова сувларни тозалаш, корхонанинг техник эҳтиёжлари учун қайта фойдаланиш мақсадида айланма тизим яратиш тадбирига 350 миллион сўм сарфланди. Бу тадбир йили охиригача ниҳоясига етказилди.

Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, Сирдарёга ташланаётган ифлос оқова сувлар тўрт миллион куб метр атрофида қисқаради. Табиати муҳофазаси қилиш борисиди



қилинаётган ишлар фақат суви ҳавзаларини тоза ва соф ҳолда сақлаш билан чегараланиб қолмайди. “Ўзметкомбинат” даги ишлаб чиқариш ҳаётида атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддалар миқдорини камайитириш борисиди қилинаётган изланишлар таҳсинга сазовор. Сирдарёга ташланаётган ишлаб чиқариш оқова сувлари таркибидagi қиммий бирикмаларнинг миқдорини камайитириш ва келгусида бундай оқова сувларни умуман йўқ қилинишига қаратилган чора-тадбирлар фикримизга мисол бўла олади.

Юқоридagi айтиб ўтилган ишлар чет эл ва замонавий ташқи корхоналари, яъни ҳар турдаги металл маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражаси юқори корхоналар билан тендер асосида амалга оширилмоқда. “Ўзметкомбинат” табиати муҳофазаси қилиш мақсадида кейинги беш йил давомида 2560 миллион сўм миқдорига маблаг сарфланди. Бу кенг қўламдаги ишлар корхонанинг нуфузини ошириш мақсадида қилинган йўқ, албатта, балки буларнинг барчаси атроф-муҳит, табиат энг асосий инсон келажакига қаратилган.

Бахтиёр БОЗОРБОЕВ,
Бекобод шаҳар табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси давлат инспектори.



Хусусан, бизда тут дарахтлари кўп экилади. Фақат меваси ёки чолғу асбоблари ясашда фойдаланувчи ёғочи учунгина эмас, асосан ипак қўртига озука ҳисобланувчи барглари ва соя-салкин бериш учун ҳам ўстирилади. Зеро, бизда ҳар йили минглаб тонна кумуш тола етиштирилади. Бу юрти-миз иқтисодий раванкига катта ҳисса қўшади. Товусдек товланувчи атлас-ларимиз, гўзал миллий либосларимиз

КЕСИШНИ ЭМАС, ЭКИШНИ ЙЎЛАНГ

Бизнинг имон-эътиқодли халқимиз, атроф-муҳит, табиатга меҳр кўрсатиб яшайди. Турли мевали ва манзарали дарахтлар экиб, эл фаровонлигига, юрт гўзаллигига ҳисса қўшиш халқимизга хос хусусият.

кимларни мафтун этмайди дейсиз. Ҳўш, бугунги кунда тут дарахтларини ўстириш, парваришлаш ва уларни асрашнинг аҳволи қандай? Айтиш мумкинки, кейинги йилларда бу масалага давлат миқёсида алоҳида эътибор берилиб, тутзорларни кўпайтириш ва асраш назоратга олинган. Тутзорлар фермерларга бўлиб берилган бўлиб, уларнинг ҳолати учун масъулдирлар. Қолаверса, фермер ипак қўрти боқишда шу тутлардан фойдаланади. Демак, у бундан ман-

фаатдор. Шу боис тутларни пала-партиш кесиб олишларига йўл қўймайди. Аммо, шундай ҳоллар ҳам учраятти, совуқ кучайган пайтларда айрим юрдошларимиз тут дарахтларини яширинча кесиб кетадилар. Оқибатда табиатга ҳам, иқтисодимизга ҳам катта зарар етказадилар. Кейинги йилларда дарёларимиз бўйларидa ёввойи ҳолда ўсувчи тол, сада, бақатерак, жингил каби дарахт турлари ҳам ноқонуний кесиб оқибатида

камайиб кетапти. Бундан бир неча йил олдин қишлоқларда теразорлар барпо этишга киришилиб, Калифорниядан келтирилган навлари экилган эди. Улар кейинчалик фермерлар ихтиёрига берилди. Бугунги кунда тераклар гу-қираб ўсиб, кўкка буй чўмоқда. Айримларидан бемалол қурилиш ашёси сифатида фойдаланиш ҳам мумкин бўлиб қолди. Аммо, биз гувоҳи бўлган баъзи жойларда теразорлар ачинар-ли аҳволда. Кўпларини кесиб кетиш-ган, шамолда синган, қуриб қолган-лари ўрнига янги кўчатлар экиш ҳеч қимнинг эсига келмаяпти.

Албатта, ҳудудлардаги инспекторларимиз юқоридagi қабиларнинг олдини олишга ҳаракат қилаётдилар. Ноқонуний дарахт кесувчи раҳ-

барлар ва оддий фуқаролар аниқла-ниб, жариммага тортиляпти. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Юрдошларимиз шунини унутмаслик-лари керакки, ноқонуний дарахт кес-иш Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини му-ҳофазаси қилиш тўғрисида”ги Қонун-ини бузилишига олиб келади ва бунга йўл қўйган шахс маъмурий жа-вобгарликка тортилади. Агар зарар қиймати энг кам ойлик ўш ҳақининг 100 бараваридан ошган бўлса, жино-ий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, бир туп дарахт бир йилда қанча кислород ишлаб чиқаради? Минг тупи-чи, миллионтаси-чи? Ўзингиз нафас олаётган тоза ҳавонинг асосий манбаи ҳақида мушоҳада юритиб кўрганмисиз? Ўтган йили бир туп тут, терак ёки тол қачон экиндингизми? Агар ушбу саволларга ижобий жавоб беришни истасангиз дарахтларни кесиб эмас, экиш кераклигини унутманг.

Аҳам Содиқов,
Қуйчирчиқ тумани табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси давлат инспектори.

Саҳифани вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИБЕВ ва “Тошкент ҳақиқати” муҳбири Хуршида НАЗАРОВА тайёрлади.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ ҒАЛАБАСИ



Миржалол Қосимов шогирдлари тайёргарлик машғурдлари жараёнида УЕФА Кубоги ва Европа суперкубоги ғолиби - "Зенит" (Россия) жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Уйиннинг еттинчи дақиқасида ўзбекистонлик чарм...

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионатиغا пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Бирлашган Араб Амирликларида навбатдаги ўқув-машғулот йигинини ўтказмоқда.

Тўп усталари ҳужумлардан бирини самарали яқунлади. "Пахтакор"дан терма жамоага таклиф этилган Эдвор Магдеев ҳисобни очди.

Кизиқарли кечган учрашувнинг 51-дақиқасида ҳакам Ўзбекистон миллий терма жамоаси дарвозаси томон пенальти белгилади. "Зенит" ҳужумчиси Павел Погребнякнинг кучли зар-

басини посбонимиз Игна- тий Нестеров маҳорат би- дан қайтаришга эришди ва беллашув 1:0 ҳисобида ўзбекистонликлар фойда- сига ҳал бўлди.

Миржалол Қосимов шо- гирдлари 28 январь куни Бирлашган Араб Амирлик- лари жамоасига қарши рас- мий учрашувда майдонга тушади.

Ў.А.

РУСТАМ - ЯККА ПЕШҚАДАМ!



Мусобақада пешқадам- лик қилаётган у нафар шахматчидан фақат Рус- там Қосимжонов бешин- ки турнир муваффақиятли яқунлади. Шахматчимиз навбатдаги партиядо қора доналарда ўйнаганига қарамай, Нидерландия вакили Дмитрий Рейн-

Нидерландиянинг Вейк-ан-Зее шахрида анъанавий шахмат фестивалининг "В" гуруҳи- даги беллашуларда қатнашаётган ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов якка пеш- қадамга айланди.

дерман билан дуранг на- тижани қайд этди ва жа- ми у ярим очко билан биринчи ўринга кўта- рилди.

Хамюртимизнинг асо- сий рақобатчиларидан англиялик Найжел Шорт хиндистонлик Кришна Шашикиранга, италиялик Фабиано Каруана эса ук-

раиналик Захар Ефимен- кога имкониятни бой берди ва хамюртимиздан ярим очкога ортада қолди.

Рустам Қосимжонов олтинчи тур учрашувини Фабиано Каруанага қарши ўтказди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, Ў.А шарҳловчиси.

Шундан кейин

ЖАЗИРАМАГА ҚАРШИ ЎСИМЛИК

Олимлар глобал иссиқ- га қарши курашишнинг янги усулини яратдилар. "Current Biology" журна- лининг ёзишчи, мазкур усулга қўра селекция йўли орқали ўсимлик барглари ялтироқ тусга киритилди.

Тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, ялтироқ барглар қуёш нурларини қайтариш хусусиятига эга. Бу экинлар ялбедосини йиғирма фоидага ошириш имконини беради.

Хабарларга қараганда, мазкур усул сайёраимиз ҳароратини бул даражага- ча тушириш имконини бера- ди. Бироқ, экспертларнинг сўзларига қўра, ўсим- ликларни бу тарзда моди- фикация қилиш ҳосил унум- дорлигига салбий таъсир этиши мумкин. Шу боис бу усулга қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи компа- ниялар эътироз билдириши эҳтимоли бор.

Маълумот ўрнида шунга айтиш жоизки, олимлар Ер кўррасидаги барча ўйлар- нинг томини оқ рангга бўяш ҳам глобал иссиқга қарши курашишга хизмат қилиши- ни таъкидламоқда.

БЕНЗИННИ ТЕЖАЙДИ

Япониянинг "Ниссан" автомобилсозлик корпо- рацияси ҳайдовчининг тўзисиди маълумот бер- увчи махсус қурилма иxtиро қилди.

Мутахассисларнинг сўзларига қўра, мазкур ус- куна бензинни ўн фоизга- ча тежаш имконини бера- ди.

Хабарларга қараганда, янги қурилма мушакил на- зорат қилиш тизимига эга. Бу тизим эса сигнал берув- чи бошқарув қурилмасидан иборат. Ушбу ускунанинг жорий йилда сотувга чиқа- рилиши режалаштирилган.

ТЕЛЕФОН РЕКЛАМАСИ ТАҚИҚЛАНДИ

Францияда ёш болал- лар учун мўлжалланган мобил телефонлар рек- ламасини таъқиқловчи қонун қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатни қабул қилишдан асосий мақсад, қишлоқойларнинг теле- фон бўлган қизиқишини қамайтиришдан иборат. Му- тахассисларнинг таъкидла- шига, ушбу лойиҳа теле- фон орқали бола миёсига салбий таъсир этувчи зар- рарли нурлардан ҳимоя этишга хизмат қилади.

Маълумот ўрнида шунга айтиш жоизки, мобил те- лефонлардан кўп фойдала- ниш мия сарватини касалли- гига чалинишни беш марта тезлаштиради.

Ў.А.

ООО "QISHLOQXO JALIK MASHINALARI" (ИНН 203515023) Хамзинского района г. Ташкента сообщ- ает об уменьшении уставного фонда с 51.963.538 сумов до 40.850.000 сумов.

Претензии принимаются в течение 1-месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, ул. Хамза, 2.

Рассом ханааси



Хусан СОДИКОВ чизган расм.

Ўзбек лимончилиги

отахан кулиб, - ниҳолим ҳозирданоқ ҳосил бера бошлади...

Оламнаоҳ қолнинг ҳозиржавоб- лигига қойил қойиб, унга бундан-да кўпроқ муруват кўрсатибди.

Дунёда савобли ишлар кўп. Лекин улар орасида чор-атрофини гўзаллик- ка бурқаш, ортидан жаннатонанд боғ-роғлар қолдирганининг ажру му- кофоти икки дунёда ҳам бекимсидир. Яхшидан боғ қолди, деб беким ай- тилимайди. Бинобарин, эзгу амаллар ўз соҳибини эларо боқий эъзозга му- шарраф этади.

Қирайлик моҳир боғбон, уста соҳибкор Зайниддин Фахриддин ортидан боғ қолдирган жаннати ин- сонлардан эди.

БОҒБОН ЯРАТГАН МЎЪЖИЗА

ва ўзбек боғдорчилигида би- ринчи марта ҳандақ усулида иссиқхона ташкил қилиб, ни- ҳолларни ўстира бошлади- лар. Айтишларича, отамиз- нинг бу ҳаракатларидан бир- бор наф қилмаслигини пеш қилиб, бепасанд қараганлар, ҳатто, қалака қилганлар ҳам бўлган экан. Табиатимиз са- ховатини қарангки, лимон кўчатлари келаси йилги ҳосилга кирган. Демак, 1960 йилги ўзбек деганди лимон- дан илк бор ҳосил узилган йил, деб баралла айтишимиз мумкин.

Зайниддин ота Фахридди- нов ўзи яратган мўъжизадан қанчалар завқланганини бил- мади-у, у яратган лимонзор- лар нафақат ўртдошларимиз, балки дунё ахлини лол қол- диргани, ҳавасини келтир- ган айни ҳақиқатлар.

Оламшумул таъбирлардан илҳомланган З. Фахрид- динов икким шароитимизга мослаштирилган лимон на- вларини яратиб қиришди. 1967 йилга бориб биринчи маҳаллий нав - "Ф1 Тош- кент" нави яратди. Янгидан лимоннинг ҳар донаси 450 граммгача тош босган. Унинг яна бир хусусияти, таркибида 4 фоиз лимон қислотаси бўлиб, пўсти билан истеъмол қилиш мум- кин эди. Шу хусусиятига қўра, шифокорлар уни қон босими хасталиги бўлган бе- морларга табиий шифо си- фатида тавсия қила бошлаш- ди. Ҳатто, қосмонавт В. Жо- нибеков фазодан қайтгани- да ойини жаҳон орқали бу- тун дунё ахлига юзланиб, "Ф-1 Тошкент" лимонидан

бир кесим еб ўзимни тетик хис қилдим" дея интервью берганини кўпчилик яхши эсласа керак.

Боғбон изланишларининг давоми сифатида 1970 йил- да яратилган "Ф-2 Яланғоч" нави ўзбек лимончилигида яна бир воқеа бўлди. Тарки- бида 10-12 фоизгача лимон қислотаси бўлган бу нав лимонларнинг ҳар бири 450 граммдан 2,5 қилграммига келган. Унинг яна бир аф- заллиги пўстлоғи инсон са- ломатлиги учун муҳим санал- ган эфир мой, пектин мод- дасига бой бўлган. Энг му- ҳими эса, энди бу нав ли- монларни оддий ўй шаро- итида ҳам ўстиравериш, бир йилда 4 мартагача ҳосил олиш мумкин эди. Бу изла- ниш боғбон дувруғини яна- да машур қилди.

Бугун бу лимон навлари мамлакатимизнинг даярли барча нукталарда етиштири- ляпти. Лимончилик мамла- катимиздаги йirik иссиқхо- наларнинг, юзлаб хонадон- томорка ҳўжалиқларининг муҳим даромад манбаига айланган қолди. Бугун ли- мондан миллионлаб пул то- паётганлар ҳам, ундан тано- вул қилиб, баҳридли йўраётганлар ҳам, дардига шифо топаётганлар ҳам ўзлари билиб-билмасларда бу ноб ёзкинни дивримизга олиб келган захматкаш ин- сон ҳақида дуо қилаётган бўлсалар ажабмас. Биноба- рин, буюқ шоирамиз Зулфия- нинг ҳам ўз даврида Зай- ниддин Фахриддинов яратган боғларга ҳавас ва ҳайрат ила боқиб: "Бу ҳаммаш мевазор,

апелъсиннинг шароитбоп навлари шу иссиқхонада си- новдан ўтказилмоқда.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари отанинг ўзлари ҳам бу ишга қўл урганлар. "Ўзбекистон апелъсини", "Тошкент" мандарини навлари Зайниддин отанинг шах- сий таърибалари асосида юзага келган. Бироқ, бизнинг шароитда уларнинг илдиз қисми яхши тулғай олмай, ўстиришининг илҳами бўлма- ган.

Бугун ота ўғил Мухаммад- азиз Фахриддинов бунинг ҳам уддасидан чиқди. Бунда унинг Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика ва полимерлар қимёси инсти- тудида илмий ходим бўлиб ишлаётгани қўл келди. Ил- мий изланишларини таъри- балар билан олиб бораёт- ган Мухаммадазиз Фахрид- динов шитрус ўсимликлари- га "Хитазан" дориси билан ишлов беришнинг афзаллиқ- ларини синовдан ўтказди ва бу соҳада илмий иш ёклаш арафасида. Бундай ишлов берилган апелъсин ва ман- дарин кўчатлари мустаҳкам илдиз отмоқда, яхшигина ҳосил ҳам бермоқда.

Одатда, дехқон боғбон- лар табиятан қамтарин, хок- сор бўлишди. Ана шу сол- далиқ хоксорлик билан қан- дай мўъжизага яратиб-ётганини билишмайди ҳам. Ифтихоримиз шундаки, ҳа- лкимизнинг бундай танти, ақл-заковати фарзандлари бисёр ва ҳали кўпга туғи- ламак. Улар ҳис шўбақис, бобоқалонлари бошлаган эзгу ва савобли ишларни давом эттираверадилар. Охир-оқибат ўзбек боғдор- чилиги ўз шўхрати билан ҳали кўп бора дунё ахлини ҳайрат ва ҳаяжонга солади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Собир Раҳимов туманидаги яқка тартиб- даги тадбиркор Шамшиддинова Махфуза Абдуллаевнага тегишли бир дона дамалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов туманидаги яқка тартиб- даги тадбиркор Умаров Дилшод Рустамовичга тегишли бир дона дамалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный кадастровый документ № 8-528/07, код № 2181579264 от 17.12.2007 г., выданный на имя Садыкова Шахруха Шавактовича по адресу: Собир Рахимовский район, ул. Уста Ширин, дом 116, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянную чековую книжку (чеки - страницы 2196676-2196700), выдан- ный Учтептинским филиа- лом Национального банка ВЭДРУ на имя частного предпринимателя Абду- лаевой Махмуды Умирза- ковы (ИНН 471861014), СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянную кассовую книгу Меркурий 115 за № 343108, регистрационный № 2698 от 12.04.03г. выданный С. Рахимовским ГНИ на ЧФ "VALENT", СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ҲИҚМАТТА МОЙЛ ФИҚРЛАР

- Инсонни чек- сиз илм уммони ўраб шуради. Уни кўра билиш керак бунинг учун уни билишга айланми- риш керак.
● Виждон бор бўлса, у фақат соф бўлади.
● Икки оғиз га- пини эшитмай туриб, қишга баҳо берманг. Рўпарангизга ш- сон турганини ҳеч қачон унут- манг.
● Йўлга чиқиш- нинг ўзи ярим ма- софани ўлмоқдир.
● Муҳаббатдан бошқа ҳеч нарсанин- г эшигини уч мартадан ортиқ тақиллатма.
● Олам яратил- ганда, олми кун- дан бири Меҳрни яратишга келган, деб ўйлайман.

Мансурхон ТОИРОВ.

ДАРСГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2008-2009 ўқув йилининг "Таълим муас- сасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йи- ли" деб эълон қилиниши ҳар бир ўқитувчи ва мураб- бийнинг дарс ўтиш, таълим-тарбия бериш жараёни- даги масъулиятини ошириб ўз устида кўпроқ ишлаш- га, ўқувчига самимий муносабатда бўлишга ундайди.

Ишга ижодий ёндошув, аввало, иxtирийлик, эркин фикр, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитида ривож топади. Шунингдек, кўргазмали во- сита ва замонавий интерак- тив услублардан унумли фойдаланиш ҳам яхши са- мара беради.

Ўқувчига айтилмоқчи бўлган фикрни тўғри асо- лаш, исбот, далилни улар кўз ўнгига шарҳлаб, ўзла- ри аниқлаб етишлари учун имкон яратиб бериш дарс- нинг мақсадини таъминлай- ди. Бунга 6-синфларда ўзбек тилидан "Шахсни машғу- лоти ва касбига қўра номлаш" мавзусини ўтишда қўллана- диган айрим услубий лаҳ- залар орқали шундай ифо- далаш мумкин: агар ўқитув- чи "Адашган қўшимчалар" слайдидан фойдаланса, ўқувчи қўшимчаларнинг грамматик маъносини ва вази- фасини тезроқ аниқлаб ета- ди. "Ўз ўрининг топ" слай- ди орқали ўқувчи сўзларни ўрнида қўлланади ўрганади. Ушбу слайдда "Шахсни ма- шғулот ва касбига қўра номлаш", "Шахсни характер - хусусиятига қўра таъриф- лаш", "Тахминий микдорни ифодалаш", "Белгининг мавжудлиги ва мавжуд эмас- лигини ифодалаш" мавзула- рининг учинчи машқлари, "Шахс ва предметни ўха- тиш орқали таърифлаш", "Белгини нисбат бериш

орқали ифодалаш" мавзула- рининг туртинчи машқлари- дан унумли фойдаланиш самарали натижа беради. Масалан:

Булоқ суви каби... (ТИНИК) "Ўйлаб топ". "Бошқотир- ма" слайдлари ўқувчиларни мушоҳадага қорлайди. Улар ўзбек тили сўз бойлигининг ўсишига ғўмақлашади. Ма- салан: "Ўйлаб топ":

Ил бўйи нурдан қочиб, Ерни тешиб, йўл очиб, Ер қарида сақлаб жон, Нима экан у? Бу... (ИЛОН)

"Шахс ва предметни ўх- тиштиш орқали таъриф- лаш" мавзуси ўтилганда "Нима, қанақа" слайди ўқу- вчиларни тўғри фикрлашга ундайди.

Масалан: қўеннинг расми берилган, кейинги ўрнида "Кўрқок" сўзи ёзиб қўйил- ган. Ундан қўйидаги бирик- мани тузиш талаб этилади. Кўбнек қўрқок Электрон ўқув топширик- лар юқорида кўрсатиб ўтил- ганидек, маълум бир ёки ти- зимли мавзуларни қамраб олган ҳолда жонли ва қизи- қарли тарзда ўтилса, дарс- нинг мазмунан бойишига таъсир этади. Ўқувчи били- ми амалий воситалар ёрда- ми билан тез ва чуқурроқ ҳолатда эгалланади, савод- хонлик даражаси юқсалади. Дилфуза МАННОПОВА.

"ИЖ АВТО" РАСМИЙ ДИЛЕРИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ
АРЗОН БЎЛМОҚДА 1 йиллик КАФОЛАТ (20 000 КМ)
"ИЖ АВТО" расмий дилери чегирмалар фасли бошланганлигини маълум қилади.
Таклиф 2009 йил 15 март кунингача ҳақиқий.
+СОСОВ ФАКТИ ҚИЛАДИ
"SANAR" Х.К омборидан сотилади.
ИЖ - 27175
Тошкент шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 54А
Ваз-21041
Батафсил маълумот учун телефонлар:
Тел.: 140-00-61/62, 110-41-43 (9.00-18.00)

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилдими:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.